

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ОТАХОНОВ МАҚСУД ЮСУФОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРДАГИ ОЧИҚ ЗОВУРЛАРНИ
ГИДРАВЛИК ҲИСОБИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07 – «Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси»
06.01.02 – «Мелиорация ва суғорма деҳқончилик»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Отахонов Максуд Юсуфович

Суғориладиган майдонлардаги очик зовурларни гидравлик ҳисобини
такомиллаштириш..... 3

Отахонов Максуд Юсуфович

Совершенствование гидравлического расчета открытых коллекторов
орошаемых площадей..... 21

Otakhonov Maksud Yusufovich

Improvement of hydraulic calculation of open collectors in irrigated
areas..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ.
References..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ОТАХОНОВ МАҚСУД ЮСУФОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРДАГИ ОЧИҚ ЗОВУРЛАРНИ
ГИДРАВЛИК ҲИСОБИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07 – «Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси»
06.01.02 – «Мелиорация ва суғорма деҳқончилик»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1890 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва канал хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институтида баҳарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.iititmc.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий рахбарлар:	Фатхуллоев Алишер Мирзатиллаевич техника фанлари доктори
	Абдуришмова Дилбар Айбековна техника фанлари фалсафа доктори (PhD)
Расмий оппонентлар:	Махмудов Илхомжон Эрнажарович техника фанлари доктори, профессор
	Каримов Акмил Хайитович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва канал хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақами Илмий кенгаши асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг «29» май 2021 й. соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Навоий кўчаси, 39 уй.Тел. (+99871)-237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@iititmc.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва канал хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (16У рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент ш., Қори Навоий кўчаси, 39 уй. Тел (+99871)-237-19-45, e-mail: admin@iititmc.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «12» май да тарқатилди.
(2021 йил «12» май даги №20 рақами реестр баённомаси).



Т.З.Султанов

Бир марталик Илмий даржакалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

А.А.Янгиев

Бир марталик Илмий даржакалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

М.Х.Хамидов

Бир марталик Илмий даржакалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги бир марталик
Илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланиш ва ботқоқланишини олдини олиш, мустаҳкам ва иқтисодий самарадор кесимли коллектор-зовурларни қуриш, фойдаланилаётган очик зовурларни реконструкция қилиш масалалари етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланиш ва ботқоқланишини олдини олиш мақсадларида коллектор-зовур тармоқлари кенг фойдаланилади, бу ерда очик зовурларнинг ўзани узунлиги бўйича сув сарфининг ўзгарувчанлиги, ер ости сизот сувларини ўзгарувчанлиги таъсири билан боғланган ювилиш ва лойқа босиш муаммоларини камайиши, динамик мустаҳкам ва иқтисодий самарадор коллектор-зовур тармоқларини қуриш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Жаҳонда коллектор-зовур тармоқларини қуришда оптимал параметрларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган кенг миқёсдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Суғориш ва шўр ювиш натижасида сизот сувларининг ўзгарувчанлиги таъсирида коллектор-зовурлар ўзанининг шаклланиш қонуниятлари, суғориладиган майдонлардан ва суғориш тармоқларидан бўладиган шимилиш миқдорининг коллектор-зовур ўзанидаги гидравлик жараёнларга таъсирини баҳолаш, суғориладиган майдонларда фойдаланилаётган коллектор-зовур тармоқларининг гидравлик жараёнларини таҳлили асосида динамик мустаҳкам ҳамда иқтисодий самарадор очик зовурларнинг параметрларини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, коллектор зовурлар ўзанида сув сарфи ўзгарувчанлигини инобатга олиб, динамик мустаҳкам кесимларни асослаш бўйича гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор ва зовурлар тизимини қуриш, модернизация қилишга катта эътибор қаратилмода. Коллектор ва зовурлар тизимини лойқа босишини олдини олиш, улардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда такомиллаштириш имкониятларини берувчи мавжуд гидравлик ҳисоблашларнинг янги замонавий усулларини яратишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, коллектор ва зовурлар тизимини қуриш ва реконструкция

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони.

қилиш ишларини амалга оширишда, иқтисодий самарадор, гидравлик мустаҳкам зовурларни лойиҳалаш ва улардан самарали фойдаланишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 10 июльдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида» ва 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4801-сон «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган майдонлардаги сув баланси тенгламалари, ер ости сизот сувларининг ҳаракати, критик чуқурлик қийматини аниқлаш ва коллектор-зовур турларини асослаш каби йўналишларда олиб борилган илмий изланишлар А.Н.Костяков, С.Ф.Аверьянов, А.П.Вавилов, Л.П.Розов, В.Д.Журин, В.А.Ковда, В.С.Малыгин, Н.А.Беседнов, Н.Ф.Беспалов, А.С.Рабочев, Қ.Мирзажанов, В.А.Духовный, Х.Якубов, Ҳ.А.Аҳмедов, Ф.М.Рахимбаев, Ф.А.Бараев, Ш.Х.Рахимов, Б.С.Серикбаев, Р.К.Икрамов, М.Х.Ҳамидов, А.Т.Салоҳиддинов, А.Г.Шеров, Р.А.Муродов, А.Х.Каримов, С.А.Касимбетова ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган ва маълум ижобий натижаларга эришилган.

Суғориш тизимларида оқим ҳаракати ва ўзанининг шаклланиш қонуниятлари Б.А.Бахметев, Н.Н.Павловский, И.И.Агроскин, М.Н.Чертоусов, И.И.Леви, Е.А.Замарин, С.Х.Абальянц, Е.К.Рабокова, Х.А.Ирмухамедов, К.Ш.Латипов, Р.М.Каримов, Х.А.Исмагилов, В.С.Боровков, Э.Ж.Махмудов, А.М.Арифжанов, И.Э.Махмудов, А.М.Фатхуллоев, С.С.Эшев ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланишларида баён этилган ҳамда маълум илмий асосланган ишланмалар яратилган.

Бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотларга қарамадан, суғориш ва шўр ювиш натижасида сизот сувларининг ўзгарувчанлигини коллектор-зовурлар ўзанининг шаклланишига таъсири, суғориладиган майдонлардан ва суғориш тармоқларидан бўладиган шимилиш

микдорининг коллектор-зовурлар ўзанидаги гидравлик жараёнларга таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 7-сон «Ирригация тизимлари, гидротехник иншоотлар ва сув омборларнинг гидравлик ва гидрологик жараёнларини илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2016-2020), № МВ-АТЕХ-2018-145-«Ўзгарувчан режимдаги суғориш каналларидан фойдаланиш самарадорлиги ва эксплуатацион ишончилигини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш» (2018-2020), № ҚХ-Атех-2018-69 «Ўзанларда эрозион ва аккумулятив жараёнларни баҳолаш технологиясини геоахборот тизимларидан (ГАТ) фойдаланиб ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сирдарё вилоятининг шўрланган ерларида динамик мустаҳкам кесимли очик зовурларнинг параметрларини қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ҳамда тупроқ шўрини ювиш таъсирларини инобатга олиб асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд очик коллектор-зовурларнинг суғориладиган майдонларнинг мелиоратив режимига таъсирига доир тадқиқотларни таҳлил қилиш;

суғориш ва шўр ювиш натижасида сизот сувларининг ўзгарувчанлиги таъсирида коллектор-зовурлар ўзанининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш;

суғориладиган экин майдонларидан ва суғориш тармоқларидан бўладиган шимилишлар микдорининг зовур узунлиги бўйича сув сарфи ўзгарувчанлигига боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

суғориладиган майдонларда фойдаланилаётган коллектор-зовурларнинг гидравлик параметрларини таҳлили асосида динамик мустаҳкам ҳамда иқтисодий самарадор очик зовурларнинг параметрларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сирдарё вилоятида фойдаланилаётган коллектор зовурлар тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети очик зовурларда оқим сарфининг зовур узунлиги бўйича ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб динамик мустаҳкам ва иқтисодий қулай кесимни баҳолаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида «Дала тадқиқотларини ўтказиш» усули, гидравлика ва гидрологияда умумқабул қилинган «Тезлик майдон» усули, табиий дала тадқиқот маълумотларини қайта ишлашда график ва аналитик усулларида, математик статистика, математик моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

очик зовурларни гидравлик ҳисоблаш усули суғориладиган майдонлардан ва суғориш тармоқларидан ҳосил бўладиган сув шимилишининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб такомиллаштирилган;

суғориш ва шўр ювиш натижасида сизот сувларининг ўзгарувчанлиги таъсирида коллектор-зовурлар ўзанининг шаклланишини аниқлаш усули, оқим ҳаракат миқдорининг ўзгаришини инобатга олиб ишлаб чиқилган;

зовур кўндаланг кесимининг гидравлик элементларини ҳисоблаш усули очик зовурларда ювилиш ва лойқа босиш натижасида юзага келадиган деформация жараёнларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган;

динамик мустаҳкам ва иқтисодий самарадор очик зовурларни гидравлик ҳисоблаш усули сув оқими таркибидаги оқизиклар миқдори ва фракцион таркибини инобатга олиб такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

табiiй дала шароитида олинган натижалар бўйича динамик мустаҳкам кесимли очик зовурларнинг гидравлик параметрлари такомиллаштирилган ва лойиҳалаш амалиётига жорий этилган.

очик зовурларни лойиҳалашда оқим таркибидаги оқизиклар миқдори ва фракцион таркиби ҳамда шўр ювиш меъёрларини ҳисобга олиб лойқа босмайдиган тезликни ҳисоблаш услуби тавсия этилган.

очик зовурлар узунлиги бўйича сув сарфининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб кўндаланг кесим элементларини такомиллаштириш бўйича ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

суғориш ва шўр ювиш меъёрларини инобатга олган ҳолда очик зовурларнинг сув ўтказиш қобилиятига мувофиқ мустаҳкам кесим шакли таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган физик қонунлар ва синовдан ўтган математик усулларга асосланганлиги, олинган назарий натижаларни амалга оширилган экспериментал ва амалда ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан солиштирилганлиги, ҳамда ушбу йўналишдаги тадқиқот натижалари билан таққослаб текширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сирдарё вилоятининг шўрланган ерларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ва шўр ювиш даврларида очик зовурларда оқим узунлиги бўйича сув сарфининг ўзгарувчанлигини ҳисобга юзага келадиган жараёнларни инобатга олиб, очик зовурларнинг динамик мустаҳкам параметрларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти очик зовурларни лойиҳалашда зовур узунлиги бўйича сув сарфининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда зовур ўлчамларини динамик мустаҳкамлигини ва иқтисодий самарадорлигини таъминловчи гидравлик параметрларини аниқланганлиги, очик зовур ўзанини лойқа босмайдиган тезликни асослаш натижасида уларнинг эксплуатация муддатларини узайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган майдонлардаги очик зовурларни гидравлик ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

суғориладиган майдонлардан ва суғориш тармоқларидан ҳосил бўладиган сув шимилиши миқдорларининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб, очиқ зовурларни ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «Гулистон-Сувлойиха» МЧЖга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 август 04/20-1381-сон маълумотномаси). Натижада динамик мустаҳкам тезлик асосида очиқ зовурларни лойиҳалаш имконияти яратилган;

очиқ зовурларда ювилиш ва лойқа босиш жараёнларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган зовур кўндаланг кесим параметрларини ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «Сирдарё сувқурилиш инвест» ДУК бошқармасига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 август 04/20-1381-сон маълумотномаси). Натижада очиқ зовурларда эксплуатация харажатларини камайтиришга эришилган;

динамик мустаҳкам ва иқтисодий самарадор очиқ зовурларнинг гидравлик ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи Сирдарё ИТХБ қошидаги мелиоратив экспедиция бошқармасига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 август 04/20-1381-сон маълумотномаси). Натижада очиқ зовурларни лойиҳалашда иқтисодий самарадор кесимли гидравлик параметрларни асослаш имкониятига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, ҳамда объект ва предметлари асосланиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Очиқ зовурларнинг тадқиқотига доир изланишлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида суғориладиган майдонларнинг гидрогеологик шарт-шароитлари асосида зовур турини асослаш ва ҳисоблаш усуллари таҳлил қилинган.

Суғориладиган майдонларда сув баланси тенгнамалари, критик чуқурликни баҳолаш услублари, шўр ювиш меъёрлари, зовур турлари ва ҳисоби бўйича А.Н.Костяков, С.Ф.Аверьянов, А.П.Вавилов, Л.П.Розов, В.Д.Журин, Қ.Мирзажанов, Ҳ.А.Аҳмедов, Ф.Рахимбаев, Б.С.Серикбаев, В.А.Духовный, Х.Якубов, Ф.А.Бараев, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов, А.Х.Каримов, С.А.Касимбетова каби олимларнинг илмий ишларининг аналитик таҳлили келтирилган.

Очиқ ўзанларда оқим ҳаракати қонуниятлари бўйича Б.А. Бахметев, Н.Н.Павловский, Е.А.Замарин, С.Х.Абальянц, И.И.Агроскин, М.Н.Чертоусов, И.И.Леви, Х.А.Ирмухамедов, К.Ш.Латипов, Х.А.Исмагилов, В.С.Боровков, А.М.Арифжанов, И.Э.Махмудов, А.М.Фатхуллоев ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган.


Суғориладиган майдонларда шўрланган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида шўр ювиш ишлари олиб борилади. Натижада ер ости сизот сувларининг сатҳи ўзгариб туради. Ер ости сизот сувларининг зовурлардаги сув оқимида келиб қўшилиши натижасида оқимнинг гидродинамик параметлари ўзгариши нотекис ҳаракат режимини юзага келтиради. Юқоридаги илмий изланишлар таҳлилдан маълум бўлдики, очиқ зовурларни лойиҳалашда мавжуд усуллар ўзан узунлиги бўйича сув сарфининг ўзгарувчанлиги инобатга олинмаган. Нотекис ҳаракат режимида гидравлик ҳисоблаш ишлари мураккаб жараён бўлиб, бир қатор омилларни инобатга олишга тўғри келади. Очиқ зовурларни лойиҳалашда оқимнинг сарфини ўзгаришини инобатга олиб ҳисоблаш усуллариини такомиллаштириш янги ёндошув ва тадқиқотларни талаб этмоқда. Юқоридаги таҳлиллар асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертация ишининг «**Очиқ зовурларнинг техник ҳолатини баҳолаш бўйича табиий дала тадқиқотлари**» деб номланган иккинчи бобда табиий дала шароитида олиб борилган гидравлик, гидрологик ва геодезик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти Ховос ва Боёвут туманлари суғориладиган майдонларидаги коллектор-зовурлар тизими танлаб олинди. Табиий дала тадқиқотлари 2016, 2017, 2018, 2019 йилларда олиб борилди.


Туманлар кесимида, Боёвут туманида 36247 га суғориладиган майдонда 1265 км узунликдаги ётиқ зовурлар, Ховос туманида 38434 га майдонда 1185 км ётиқ зовурлар қурилган бўлиб, фойдаланишда техник ҳолати бўйича турличадир.

Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотларда Ховос туманидаги 3-К-6 номли хўжаликлараро очиқ зовури ўзанининг 75% қисмида ювилиш жараёнлари кузатилди. Очиқ зовур 3-К-6 нинг узунлиги 8240 м бўлиб, 1150 га майдондан оқиб келадиган сизот сувлари ҳамда келиб қуюлувчи зовурлардаги сувларни экин майдонларидан узоқлаштириш учун хизмат қилади. Ўртача нишаблиги $i=0,00325$ ни ташкил этади, тупроқ тури бўйича ўрта ва енгил қумоқ тупроқлардан ташкил топган (1-расм).



1-расм. Ховос тумани 3-К-6 очик зовури тупроғининг механик таркиби


Очик 3-К-6 зовурнинг 55-створида, ўзандаги сув оқимнинг чуқурлиги $h=0,70$ м, сув сатҳи бўйича кенлиги $B=1,35$ м, кўндаланг кесим юзаси $\omega=0,82$ м², хўлланган периметри $\chi=2,24$ м, сув сарфи $Q=630$ л/с, оқимнинг ўртача тезлиги $v=0,77$ м/с эканлиги аниқланди. Очик зовурнинг лойиҳавий параметрларининг ўзгариши таҳлилидан, ҳозирги кунга келиб ўзанида 1,15 м ювилиш жараёнини содир бўлган (2-расм).



— лойиҳавий, — мавжуд ҳолат.

2-расм. Очик зовурнинг кўндаланг кесими (Ст-55)


Очик зовурлар ўзанида ювилиш жараёнлари рухсат этилган тезлик, яъни, тупроқ турига мос равишда ювилмайдиган тезликдан оқим тезлиги ортиб кетиши натижасида содир бўлади. Ховос ва Боёвут туманларида тупроқ тури ва механик таркибига кўра рухсат этилган ювилмайдиган тезликни асослаш учун илмий изланишлар олиб борилди. Олиб борилган изланишлар асосида куйидаги натижага эришилди (3-расм).



3-расм. Ювилмайдиган тезликни баҳолаш графиги

Очиқ ўзанларда лойқа босмайдиган тезликларни асослаш бўйича бир қанча олимлар изланишлар олиб боришган ва маълум ижобий натижаларга эришишган. Оқим таркибидаги оқизиклар таъсирида юзага келадиган лойқаланиш жараёнларини баҳолашда лойқаликларнинг донадорлигининг алоҳида аҳамияти баён этилган. Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижалари бўйича очиқ зовурларнинг лойқаланиши Е.А.Замарин, С.Х.Абальянц, А.М.Арифжанов ва бошқалар томонидан таклиф этилган ҳисоблаш усуллари асосида таҳлил этилди.


Юқорида ўрганилган очиқ зовурлар ўзанида тезлик тақсимотининг деформация жараёнларига таъсирини баҳолаш мақсадида ювилишга қарши тезликлар ҳамда лойқа босмайдиган тезликни аниқлаш бўйича тавсиялар берилди. Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики 3-К-6 очиқ зовур ўзанидаги оқим тезлиги тақсимоти, ювилишга қарши тезликдан юқори бўлиб, йиллар давомида ювилиш жараёнига сабаб бўлган (4-расм).



v_z -зовурдаги оқим тезлиги; $v_{ю}$ -ювилмайдиган тезлик; v_1 -Е.А.Замарин, v_2 -С.Х.Абальянц, v_3 -А.М.Арифжанов формуллари бўйича ҳисобланган лойқа босмайдиган тезликлар.


4-расм. 3-К-6 зовури ўзанида тезлик тақсимоти

Боёвут туманидаги Б-13-2 хўжаликлараро очиқ зовурда олиб борилган тадқиқотларда ҳам ўзанининг 68% қисмида ювилиш жараёнлари кузатилди. Очиқ Б-13-2 зовурнинг умумий узунлиги 4260 м бўлиб, 565 га майдондан оқиб келадиган ер ости сизот сувлари ҳамда келиб қуюлувчи зовурлардаги сувларни экин майдонларидан узоқлаштириш учун хизмат қилади. Ўртача нишаблиги $i=0,00215$ ни ташкил этади. Тупроқ тури бўйича ўрта ва енгил кумоқ тупроқлардан ташкил топган (5-расм).



5-расм. Боёвут тумани Б-13-2 очик зовури ўзани тупроғининг механик таркиби


Олиб борилган дала тадқиқотларида очик Б-13-2 зовурнинг 27-створида, ўзандаги сув оқимнинг чуқурлиги $h=0,65$ м, сув сатҳи бўйича кенглиги $B=1,10$ м, кўндаланг кесим юзаси $\omega=0,68$ м², ҳўлланган периметри $\chi=2,34$ м, сув сарфи $Q=215$ л/с эканлиги аниқланди. Очик зовурнинг лойиҳавий параметрларининг ўзгариши таҳлилидан, ҳозирги кунга келиб ўзанда пастга қараб 1,25 м ювилиши жараёни содир бўлган (6-расм).



— лойиҳавий, — мавжуд ҳолат.

6-расм. Очик зовурнинг кўндаланг кесими (Ст-27)


Таҳлил натижаларига кўра очик зовурдаги оқим тезлиги ювилишга қарши тезликдан юқори ҳолатда эканлиги аниқланди (7-расм). Натижада йиллар давомида очик зовур ўзанида ювилиш жараёнлари содир бўлиб бораверган.



ϑ_z -зовурдаги оқим тезлиги; $\vartheta_{ю}$ -ювилмайдиган тезлик; ϑ_1 -Е.А.Замарин, ϑ_2 -С.Х.Абальянц, ϑ_3 -А.М.Арифжанов формулалари бўйича ҳисобланган лойқа босмайдиган тезликлар.

7-расм. Б-13-2 зовури ўзанида тезлик тақсимоти


Дала тадқиқотларининг навбатдаги босқичида очик зовурлар ўзанида лойқа босиш жараёнлари тадқиқ этилди. Тадқиқот ишлари Ховос туманидаги ОД-50 номли очик зовурда олиб борилди. Унинг узунлиги 2665 м, 1-створида лойиҳа бўйича тубининг кенлиги 2,5 м, ер сатҳига нисбатан ўртача чуқурлиги $H=3,50$ м, сув чуқурлиги ўртача 0,4 м, қиялик коэффициенти $m=2,0$, максимал сув сарфи 250 л/с ҳолатида қурилган. Йиллар давомида, очик зовур ўзанида қамишларнинг ўсиши ва лойқа босиш жараёнлари натижасида дастлабки лойиҳавий параметрлари ўзгариб, ишчи ҳолати қониқарсиз аҳволга келган. Олиб борилган изланишларга кўра, ҳозирги кунда, очик зовурнинг 15-створидаги сув оқимнинг чуқурлиги $h=0,30$ м, сув сатҳи бўйича кенлиги $B=3,90$ м, кўндаланг кесим юзаси $\omega=0,75$ м², ҳўлланган периметри $\chi=3,95$ м, сув сарфи $Q=90$ л/с, оқимнинг ўртача тезлиги $v=0,12$ м/с эканлиги аниқланди. Лойиҳавий ва аниқланган натижалар таҳлилига кўра, очик зовур ўзанининг туби лойқа босиш натижасида ўртача 0,85 м га кўтарилган (8-расм).



— лойиҳавий, — мавжуд ҳолат.

8-расм. Очик зовурнинг кўндаланг кесими (Ст-15)


Лойқа босиш жараёнларига, очик зовур ўзанидаги оқим тезлигининг таъсирини ўрганиш мақсадида, тезлик тақсимооти таҳлил этилди. Таҳлил натижаларига кўра зовурдаги оқим тезлиги, Е.А.Замарин томонидан таклиф этилган формуласи асосида ҳисобланган тезликдан юқори аммо С.Х.Абальянц ва А.М.Арифжанов томонидан таклиф этилган формулалар асосида ҳисобланган тезликлардан кам эканлиги аниқланди (9-расм).



v_z -зовурдаги оқим тезлиги; $v_{ю}$ -ювилмайдиган тезлик; v_1 -Е.А.Замарин, v_2 -С.Х.Абальянц, v_3 -А.М.Арифжанов формуллари бўйича ҳисобланган лойқа босмайдиган тезликлар.

9-расм. ОД-50 зовури ўзанида тезлик тақсимооти


Боёвут туманида узоқ йиллар давомида оқимнинг кўндаланг кесим юзасини яхши ҳолатда сақлаб қолган, яъни, динамик мустаҳкам очик «Йўл бўйлаб» зовурида тадқиқот ишлари олиб борилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра ўзандаги сув оқимнинг чуқурлиги $h=1,30$ м, сув сатҳи бўйича кенглиги $B=4,85$ м, кўндаланг кесим юзаси $\omega=4,45$ м², ҳўлланган периметри $\chi=6,21$ м, сув сарфи $Q=2671$ л/с, оқимнинг ўртача тезлиги $\vartheta=0,61$ м/с эканлиги аниқланди (10-расм).



— лойиҳавий, — мавжуд ҳолат.

10-расм. «Йўл бўйлаб» зовури кўндаланг кесими (Ст-25)

Таҳлил натижаларига кўра оқим тезлиги ювилишга қарши тезликдан кичик, юқорида келтирилган муаллифлар (Е.А.Замарин, С.Х.Абальянц, А.М.Арифжанов) томонидан лойқаланиш тезлигини аниқлаш бўйича тавсия этилган формулалар бўйича ҳисоблаганда юқори эканлиги аниқланди (11-расм).




ϑ_z -зовурдаги оқим тезлиги; ϑ_{10} -ювилмайдиган тезлик; ϑ_1 -Е.А.Замарин, ϑ_2 -С.Х.Абальянц, ϑ_3 -А.М.Арифжанов формулалари бўйича ҳисобланган лойқа босмайдиган тезликлар.

11-расм. «Йўл бўйлаб» зовури ўзанида тезлик тақсимоти

Табий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида очик зовурлар ўзанида оқимнинг тезлик тақсимоти таҳлилидан маълум бўлдики (12-расм), очик зовурлар кесимларини мустаҳкам этиб лойиҳалашда динамик мустаҳкамликни таъминлайдиган тезлигини асослаш лозим бўлади. Таҳлиллар натижаларига кўра очик зовурларда оқимнинг динамик мустаҳкамлик параметрларини аниқлашда К.Ш. Латипов, С.Х.Абальянц, А.М.Арифжановлар

томонидан таклиф этилган гидравлик модельни ривожлантириб лойқа босмайдиган динамик мустаҳкам тезликни таъминлайдиган очик зовурларни ҳисоблаш лозимлиги асосланди.



12-расм. Динамик мустаҳкам очик зовурларда тезлик тақсимоти

Олиб борилган ҳисоблаш натижасига кўра очик зовурларда динамик мустаҳкамлик тезлиги лойқа босмайдиган тезликлар орасида боғланиш аниқланди:

$$g_{\text{д.м}} \geq g_A$$

бу ерда: $g_{\text{д.м}}$ – очик зовур ўзанида динамик мустаҳкамликни таъминлайдиган оқим тезлиги; g_A – лойқа босмайдиган тезлик.

Олиб борилган назарий ва табиий дала тадқиқотлари асосида лойқа босмайдиган тезлик ва динамик мустаҳкамлик тезлиги орасидаги боғланишни қуйидагича аниқлаш таклиф этилган:

$$\eta = \frac{g_{\text{д.м}}}{g_A} \quad (1)$$

У ҳолда динамик мустаҳкамликни таъминлайдиган тезликни қуйидагича ифодалаймиз:

$$g_{\text{д.м}} = g_A \cdot \eta \quad (2)$$


бу ерда: η - лойқа босмайдиган тезлик ва динамик мустаҳкамлик тезлиги орасидаги боғланиш коэффициенти, табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида аниқланган, $\eta = 1,07 \div 1,17$.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида очик зовурларда ўзан нишаблиги $i=0,0015$ дан юқори ҳолатларда ювилиш, ўзан нишаблиги $i=0,0005$ дан кичик ҳолатларда лойқа босиш жараёнларининг содир бўлиши аниқланди.

Диссертация ишининг «**Очик зовурларни гидравлик ҳисоблаш усулини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида очик зовурлар ўзанидаги гидродинамик жараёнлар инобатга олиниб, оқим ҳаракатининг гидравлик модели ишлаб чиқилган.

Суғориш ва шўр ювиш меъёрлари таъсирида сизот сувларининг ўзгарувчанлиги, очик зовурлар узунлиги бўйича сув сарфининг ўзгариб бориши

ҳисобига юзага келадиган оқимнинг нотекис ҳаракати жараёнларини ифодалаш учун қуйидаги ҳисоблаш схемаси қабул қилинди (13-расм).



13-расм. Очик зовурда оқимнинг ҳаракатини ифодаловчи схема

1-1 ва 2-2 оралик учун ҳаракат миқдорини ўзгаришини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$d(m\vartheta) = \rho(Q\vartheta_2 - Q\vartheta_1)dt \quad (3)$$

бу ерда: ϑ_1, ϑ_2 – 1-1 ва 2-2 кесимлардаги оқим тезлиги: Q -сув сарфи

Кўрилатаётган ҳолат учун 1-1 кесимдан Q_1 -сарф ва 2-2 кесимдан Q_2 -сарф оқиб ўтади. Q_0 -кесимлар орасида ер ости сувларининг келиб қўшилишини англатади.

$$Q_2 = Q_0 + Q_1 \quad (4)$$

бу ерда: Q_0 -1-1 ва 2-2 кесимлар орасида қўшилган сув сарфи.

У ҳолда (4) ни (3)га қуйиб, қуйидаги ифода ёзилган:

$$d(m\vartheta) = \rho(Q_2\vartheta_2 + \int_0^L \vartheta_0 \cos\beta dQ - Q_1\vartheta_1)dt \quad (5)$$

Маълум математик ўзгаришлардан сўнг, $\frac{Qd\vartheta}{\omega g} = \frac{\vartheta d\vartheta}{g} = \frac{d\vartheta^2}{2g}$ - эканлигини

инобатга олиб, очик зовур чуқурлигини аниқлаш учун қуйидаги ифода олинган:


$$h_2 = \frac{\vartheta_1^2}{2g} + h_1 - \frac{\vartheta_2^2}{2g} - \int_0^L \frac{d\vartheta \cdot dQ}{g\omega} - iL \quad (6)$$

Тенгламани ўзига хос томони шундаки, бу ерда сув сарфи ва қўшилаётган сув миқдори узунлик функцияси сифатида аниқланади.

Очик зовурларда сарф ўзгарувчанлигини инobatга олиб тақлиф этилган гидравлик модел (6) ва динамик мустаҳкамликни таъминлайдиган тезликни аниқлаш формуласидан (2) фойдаланиб трапеция шаклидаги ўзан тубининг кенглиги қуйидагича аниқланади:

$$b = \left(\frac{Q}{g_{d,m}} - m \cdot h^2 \right) \frac{1}{h} = \frac{Q}{g_{d,m} \cdot h} - m \cdot h \quad (7)$$

Гидравлик ҳисоблаш ишларида очик зовур ўзани тубининг кенглигини сув сарфи ўзгарувчанлигига мос равишда динамик мустаҳкам оқим тезлиги бўйича лойиҳалаш натижасида очик зовурларнинг сув сарфининг ўзгариши ҳисобига қуйидаги шаклдаги очик зовур таклиф этилди (14-расм):



14-расм. Таклиф этилган очик зовурнинг пландаги схемаси

Суғориладиган майдонлардаги очик зовурларни лойиҳалашда ва қуришда, зовур узунлиги бўйича сув сарфининг ўзгарувчанлигини инобатга олувчи ҳисоблаш модели тавсия этилди. Бу эса очик зовурнинг кўндаланг кесимларининг гидравлик параметрларини аниқлашга асос бўлади. Тадқиқот объектида табиий дала шароитида очик зовурларнинг техник ҳолатини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида зовурлар кўндаланг кесими шаклининг мустаҳкамлик шартлари баҳоланди.

Диссертациянинг “Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар” деб номланган тўртинчи бобида сув мувозанати тенгламалари, суғориш ва шўр ювиш меъёрлари асосида динамик мустаҳкам очик зовурларни лойиҳалаш бўйича тавсиялар келтирилган.

Шўр ювиш вақтида зовурнинг 1 пог.м ига оқиб келадиган сув миқдорини ($m^3/сутка$) аниқлаш бўйича олимлар томонидан бир қанча формулалар таклиф этилган. Шулардан очик зовурлар учун Кене томонидан таклиф этилган формула бўйича аниқланган.

$$q_0 = \frac{4 \cdot K(H^2 - h^2)}{L} \text{ м}^3 / \text{сутка} \quad (9)$$


Бу ерда: K -филтрация коэффиценти, $m^3/сутка$; H -зовурлар оралиғидаги сизот сув сатҳининг зовурлардаги сув сатҳидан баландлиги, м; h -зовурдаги сувнинг чуқурлиги, м.

Тадқиқот натижалари бўйича Ховос туманида узунлиги 1 км бўлган Д-1-3 очик зовур лойиҳаланиб, қазилган ер ишлари хажмининг 15% камайишига эришилди.

Зовурлар бўйича ер ишлари ҳажмини аниқлаш жадвали

№	Лойиҳалаш усули	Ўртача қазил чуқурлиги, м	Зовур тубининг кенглиги, м	Зовур узунлиги, м	Ер ишлари ҳажми, м ³	Зовур хизмат қиладиган майдан, га	Ер ишлари ҳажми бўйича иқтисодий самарадорлик, %
1	Анъанавий усул	3	1	1000	16500	5	15
2	Таклиф этилаётган усул	3	0,3-0,7	1000	14000	5	

Таклиф этилаётган усул ёрдамида очик зовурларни лойиҳаланган очик зовурда оқимнинг ташувчанлик қобилияти S_2 анъанавий усулда лойиҳаланган очик зовурнинг ташувчанлик қобилияти S_1 га нисбатан 25 % ортишига эришилди (15-расм).



15-расм. Очик зовурларда оқимнинг ташувчанлик қобилияти (анъанавий ва таклиф этилаётган усул бўйича)

ХУЛОСАЛАР

“Суғориладиган майдонлардаги очик зовурларни гидравлик ҳисобини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Очик зовурларни суғориладиган майдонларнинг мелиоратив режимига доир олиб борилган назарий ва табиий дала шароитидаги тадқиқотлар таҳлилидан маълум бўлдики, очик зовурларни қуриш ва лойиҳалашда суғориладиган майдонлардан бўладиган инфилтрация сувларининг ўзгарувчанлигини инобатга олиш зарурати мавжудлиги асосланди. Бу эса очик зовурларни лойиҳалашда гидродинамик жараёнларни ҳисобга олиш имкониятини яратади.

2. Тадқиқот объектида табиий дала шароитида очик зовурларнинг шаклланиш қонуниятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида зовурлар

кўндаланг кесими шаклининг мустаҳкамлик шартлари асосланди. Очiq зовурларда ўзан нишаблиги $i=0,0015$ дан юқори ҳолатларда ювилиш, ўзан нишоблиги $i=0,0005$ дан кичик ҳолатларда лойқа босиш жараёнларининг содир бўлиши аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки суғориш ва шўр ювиш жараёнида ташлама сувларини тўғридан-тўғри зовурларга ташлаб юбориш жуда катта салбий оқибатларга олиб келади. Натижада очiq зовур қирғоқларида ўпирилиш жараёнлари ва зовур ўзанида лойқа босиш жараёнлари юзага келади. Бу эса очiq зовур техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

3. Суғориладиган экин майдонларидан ва суғориш тармоқларидан бўладиган шимилиш миқдорининг зовур узунлиги бўйича ўзгарувчанлигини инобатга олиб, ҳаракат миқдорининг ўзгариши ҳақидаги теоремага асосланиб сув оқими ҳаракатининг математик модели такомиллаштирилди.

4. Очiq зовурларни эксплуатациясида йиллар давомида қирғоқлари грунтининг шўрланиш даражаси ортишида юзага келадиган қирғоқ ўпиришлари шартлари, зовур тупроқ таркибининг шўрланганлигини инобатга олиб асосланди. Қирғоқ ўпиришларини аниқлаш усули ер ости сув сатҳини инобатга олиб такомиллаштирилди.

5. Очiq зовурларни лойиҳалаш ва қуришда сув сарфининг ўзгарувчанлигини инобатга олган ҳолда, очiq зовурларни динамик мустаҳкам ва иқтисодий самарадорлиги асосланган гидравлик ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди. Ховос ва Боёвут туманларидаги очiq зовур ўзанини тубининг кенглиги, бошқарувчи зовурларда 0,30 м дан 1,0 м гача, хўжалик ички зовурларида 1,0 м дан 1,5 м гача, хўжаликлараро зовурларида 1,5 м дан 3,0 м гача бўлган қийматларда, қиялиги $m=1,75-1,85$ таъминланиши лозимлиги тавсия этилди.

6. Очiq зовурларда лойқаланиш ҳисобига юзага келадиган салбий оқибатларни камайтиришда, оқимнинг ташувчанлик шартлари бўйича оқимнинг лойқаланиш тезлигини инобатга олиш зарурати асосланди. Зовур кўндаланг кесими параметрларини лойқа босмаслик шарти асосила аниқлаш усули тавсия этилди. Бу эса очiq зовурларни лойқа босишдан ҳимоялашга имкон яратади.

7. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари Сирдарё вилояти Ховос туманидаги очiq зовурни қуришда ер ишлари ҳажмининг 15% камайишига, оқимнинг ташувчанлик қобилияти 25% ортишига эришилди. Натижада очiq зовурлардан фойдаланишда ишончилиги ошиши ва техник ҳолатини сақланиб қолишига имкон яратади.

8. Изланиш натижалари Сирдарё вилояти “Гулистон-Сувлойиҳа” МЧЖ лойиҳалаш институти, “Сирдарё сувқурилиш инвест” ДУК бошқармаси ва Қуйи Сирдарё ИТХБ қошидаги мелиоратив экспедиция бошқармасига амалиётда жорий этиш учун тавсиялар берилди. Ер ишлари камайиши ва очiq зовурлардан фойдаланиш муддати ошиши, таъмирлаш сарф харажатларининг камайиши ҳисобига иқтисодий самарадорлиги асосланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ОТАХОНОВ МАКСУД ЮСУФОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГИДРАВЛИЧЕСКОГО РАСЧЕТА
ОТКРЫТЫХ КОЛЛЕКТОРОВ ОРОШАЕМЫХ ПЛОЩАДЕЙ**

**05.09.07 – “Гидравлика и инженерная гидрология”
06.01.02 – “Мелиорация и орошаемое земледелие”**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.3.PhD/T1880.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (www.iia.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу www.ziyo.net/uz.

Научный руководитель:	Фатхуллоев Алишер Мирзатиллаевич доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Абдураимова Дилбар Айбековна доктор философии по техническим наукам (PhD) Махмудов Илхомжон Эрнатарович доктор технических наук, профессор Каримов Акмал Хайитович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится 29 мая 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Разового научного совета при Научном совете DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, д.39. Тел. (+99871)-237-19-61, 237-23-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@iia.uz.

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрирована № 169 Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, д. 39. Тел.(+99871)-237-19-45, e-mail: admin@iia.uz).

Автореферат диссертации разослан 12 мая 2021 года
(реестр протокола рассылки № 20 от 12 мая 2021 года)



Т.З.Султанов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

А.А.Янгин
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

М.Х.Хамидов
Председатель разового научного семинара при разовом научном Совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одним из ведущих мест занимают вопросы улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель, предотвращения засоления и заболачивания, строительства устойчивых и экономически эффективных коллекторно-дренажных сетей, реконструкции эксплуатируемых открытых коллекторов открытых дренажей. В мировой практике в целях улучшения мелиоративного состояния земель, предотвращения засоления и заболачивания, широко используют коллекторно-дренажные сети, где изменчивость расхода воды по длине русла открытых коллекторов, уменьшение проблем заиления и размыва, связанных с влиянием изменчивостью подземных грунтовых вод требует строительство и внедрения динамически устойчивых и экономически эффективных коллекторно-дренажных сетей.

В мире ведутся целенаправленные научно-исследовательские работы по разработке методов определения оптимальных параметров при строительстве коллекторно-дренажных сетей. Особое внимание уделяется проведению целенаправленных научно-исследовательских работ по совершенствованию параметров динамически устойчивых и экономически эффективных открытых коллекторов на основе анализа гидравлических процессов эксплуатируемых коллекторно-дренажных сетей, оценке влияния объема фильтрации с орошаемых полей на гидравлические процессы, а также закономерностям формирования русла с учётом изменчивости уровня грунтовых вод и расхода коллекторно-дренажной сети в результате орошения и промывки засоленных почв. В этой связи, особое внимание уделяется разработке рекомендаций по совершенствованию методов гидравлического расчёта динамически устойчивого сечения с учётом изменчивости расхода воды в руслах коллекторов-дренажей.

В республике большое внимание уделяется улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, строительству и модернизации коллекторно-дренажных систем. Реализуются обширные мероприятия по созданию новых современных методов гидравлического расчёта, способствующих совершенствованию, а также по предотвращению заиления системы коллекторов и дренажей, определению факторов, влияющих на эффективное использование. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи, в том числе «развитие ирригационных и мелиоративных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики»¹. Решение данных задач, в том числе при строительстве и реконструкции коллекторно-дренажной системы важное значение имеет проведение научно-исследовательских работ, направленных на проектирование экономически эффективных, гидравлически устойчивых коллекторов и разработка совершенных методов их эффективного использования.

